O'ZINGNI ANGLA!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 23 (537)
2007-yil 6-iyun

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ➲ Chorshanba kunlari chiqadi ➲ E-mail: hurriyat@mail.ru ➲ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 **Айбим – даволанганимми?**

Энг қизиқ ва ҳайратланарли жойи шундаки, ҳозир менинг на эгаллаб турган лавозимим сақланган, на 14 ойга нафақа беришади. Мурожаат қилинмаган мутасадди ташкилот қолмади ҳисоби. Лекин ҳанузгача на бир чора, на бир аниқ натижа йўқ.

3 **Боши қотган арбоблар**

Деҳли пойтахт деса дегулик ажойиб шаҳар. Лекин ҳар тўқисда бир айб деганларидек, айни замонда пойтахт ҳукуматини жиддий бош қотиришга мажбур қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ана шу муаммолардан бири сигир, маймун каби жониворлар билан боғлиқ...

4 **Энг ноёб ҳалқа**



Ҳайқиргингиз келади: йўқ, бизнинг халқимиз инсоният цивилизациясининг бешигини тебратганлардан! Қаранг, ҳунармандларимиз қандай санъат асарларини ясашган, аёлларимиз яратган бойликларга бир қаранг! Уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

**HURRIYAT**га
обуна йил бўйи
давом этади.
Газетамизни ўқиб боринг,
ютқазмайсиз!
Нашр кўрсаткичи — 233

Тараддуд

# «Универсиада-2007»: матонат ва маҳорат кўриги

## "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси катта спорт байрамига қизғин ҳозирлик кўряпти

***Яна саноқли кунлардан кейин мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба ёшлар Тошкент шаҳрида ўтадиган "Универсиада-2007" спорт беллашувларида иштирок этишади. Жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказишда ушбу спорт мусобақасининг ўрни беқиёс. Анъанага кўра тўртинчи бора ташкил этилаётган "Универсиада" баҳсларини ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хабарингиз бор, мусобақаларнинг асосий қисми "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ўтказилиши режалаштирилган. Нуфузли беллашувларга мезбонлик қилаётган шаҳарчада ҳам бу борада қизғин ва кенг кўламли тадбирлар амалга ошириляпти. "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод ЧОРИЕВ бу ҳақда "Hurriyat" мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— "Универсиада-2007" спорт мусобақалари таркибига киритилган асосий беллашувлар "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ўтиши кўзда тутилган. Жумладан, футбол, стол тенниси, баскетбол, қўл тўпи ва енгил атлетика йўналишидаги баҳсларга шаҳарчамиз мезбонлик қилади. Мусоқабалар юқори даражада ўтиши учун барча шарт-шароитларни яратишга ҳаракат қилдик. Ўзбекистон Миллий университетида 50 метрлик ёпиқ сув спорти саройи, Тошкент давлат техника университетида 25 метрлик сув ҳавзаси ва замонавий спорт мажмуаси барпо этилди. Шунингдек, Тошкент тиббиёт академиясида 4500 томошабинга мўлжалланган стадион ҳам қуриб битказилди. Бундан ташқари, шаҳарча ҳудудида жойлашган ўнлаб баскетбол, футбол, қўл тўпи майдонлари ҳам реконструкция қилинди.

Аслида "Универсиада" баҳсларига анча олдинроқ тайёргарлик кўрила бошланганди дейиш мумкин. Хабарингиз бор, Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилнинг июнида шаҳарчамиз ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент медицина, авиация ва санъат институтларининг талабалар турар жойлари бугунги кун талабларига мувофиқ таъмирдан чиқарилди. Муҳтарам Юртбошимиз 2005 йилнинг 28 декабрида талабалар шаҳарчасида бўлиб, бу ердаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишганларида ҳудудни янада обод этиш бўйича тавсиялар бергандилар.

Президентимизнинг тавсия ва маслаҳатлари бўйича шаҳарча ҳудудида юқорида айтилганидек замон талабларига жавоб берадиган кўзни яшнатувчи спорт мажмуалари қурилди, борлари эса тубдан янгиланди.

"Универсиада"да иштирок этиш учун Қорақалпоғистон ва вилоятлардан келадиган 1085 нафар спортчи талаба шаҳарчамизда истиқомат қилади. Айни пайтда еттита талабалар турар жойлари меҳмонларни кутиб олиш учун шай ҳолатга келтирилган. Талабалар турар жойлари барча замонавий қулайликларга эга ва, айтиш мумкинки, халқаро талабларга ҳам бемалол жавоб беради. Айни пайтда ҳар бир ётоқхонада махсус ахборот марказлари ташкил этиляпти. Компьютер, факс ва телефон билан таъминланган ахборот марказлари спорт мусобақалари иштирокчилари хизматида: улар яқинлари, оила аъзолари билан доимий мулоқотда бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, "Универсиада-2007"нинг махсус сайти ҳам ташкил этилмоқда. Иштирокчилар ахборот маркази хизматидан фойдаланган ҳолда, ана шу сайт орқали бошқа гуруҳларда бўлаётган мусобақа натижаларини тезкорлик билан билиб олиш имконига эга бўладилар.

Шаҳарчамиздаги 4 та ошхона талаба ёшлар хизматида бўлади. Ҳозирда тўлиқ таъмирдан чиққан бу масканларга энг пешқадам ошпазлар жалб этилади.

Бутун мамлакатимиз миқёсида энг илғор ёшларимизни маҳорат, ирода ва шижоат беллашувларига чорлаётган "Универсиада" баҳсларини юксак савияда ўтказиш учун ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 600 гектардан зиёдроқ ҳудудни эгаллаган шаҳарчада 9 та маҳалла ва 24 таълим муассасаси мавжуд. Қувонарлиси, ободонлаштириш тадбирларида маҳаллалар ҳам, таълим муассасалари талабалари ҳам фаол иштирок этиб, бунёдкорлик ишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шаҳарчамизни гўзал ва файзли қилиш учун 60 гектардан ошиқ ҳудудга иқлимимизга мос майсалар ётқизилди. Қирқ мингга яқин игна баргли ва маданий дарахт ниҳоллари экилди, беш юз мингга яқин турфа гул кўчатлари ўтқазилди. Бундан ташқари, шаҳарча ҳудудидаги йўллар янгидан асфальтлаштирилди, кўча чироқлари қайта таъмирланди.

"Универсиада-2007" баҳсларини ташкил этиш жараёнида хавфсизлик чора-тадбирларига катта эътибор бериляпти. Ҳозирданоқ ҳар бир спорт иншооти, талабалар турар жойларига ички ишлар ва ёнғин хавфсизлиги ходимлари бириктирилган. Спорт мусобақалари бошлангандан кейин ҳам иштирокчилар тинчлик посбонларининг эътибори ва муҳофазасида бўладилар.

"Универсиада-2007" ҳар куни бўладиган шунчаки спорт беллашуви эмас. Юртимизнинг турли гўшаларида таҳсил олаётган ёшларимизни ягона мақсад йўлида бирлаштираётган мусобақалар келажагимиз бунёдкорлари бўлган навқирон авлоднинг байрами ҳамдир. Ёшлар байрами кўтаринки руҳда ўтиши учун махсус маънавий-маърифий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Режага кўра, талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда "Футзияма" ошхонаси олдида катта саҳна ўрнатилади. Бу ерда эл ардоғидаги машҳур санъаткорлар, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилади. Ўйлаймизки, маҳорат, ирода, шижоат ва мардлик байрами саналган "Универсиада-2007" беллашувлари иштирокчилар хотирасида узоқ вақт муҳрланиб қолади.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бу йилги "Универсиада" баҳслари олдинги беллашувлардан ҳам юксакроқ савияда ўтади. Нега деганда, мусобақаларни уюштириш борасида тажрибалар ошиб боряпти. Ташкилий гуруҳ талаба ёшларнинг қизиқарли баҳсларда иштирок этиши, шу билан бирга мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятларни яратишга ҳаракат қилмоқда.

Сир эмас, "Универсиада" баҳслари муҳтарам Юртбошимиз томонидан асос солинган уч босқичли спорт беллашувлари сирасига киради. Ёшларимиз ўртасида оммавий спортни кенг тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлаш мақсадида шакллантирилган бу тизим ҳозирданоқ ўз самарасини беряпти. Дастлаб "Универсиада" баҳсларида ғолиб чиққан таниқли курашчимиз Абдулла Тангиров орадан кўп ўтмай жаҳон чемпиони бўлди. Ёки кечагина "Умид ниҳоллари"да қатнашган ёш спортчиларимиз бугун "Баркамол авлод" баҳсларида ғолиб бўлмоқдалар. Бу каби қувонарли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ёшлар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш, ҳам жисмонан, ҳам маънан етук авлодни тарбиялаш йўлидаги ҳаракатлар ўз меваларини беряпти. Умид қиламизки, Тошкент шаҳрида ўтадиган "Универсиада-2007" мусобақалари иштирокчилари орасидан ҳам юртимиз шаънини улуғлаб, дунёга достон қиладиган спортчилар етишиб чиқади.

**МУХБИРИМИЗ**
**ёзиб олди**

Эътироф

***Мамлакатимизда молия институтлари фаолияти тобора такомиллашиб боряпти. Бу эса халқаро миқёсдаги нуфузли ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этиляпти.***

***Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида ўтказилган Осиё ва Тинч океани минтақаси молия институтларини ривожлантириш ассоциацияси (ADFIAP)нинг 30-юбилей анжуманида ҳам Ўзбекистон молия ташкилотлари фаолиятига юксак баҳо берилди.***

# Миллий банк — халқаро мукофот соҳиби



Минтақанинг молия ташкилотларини ривожлантириш мақсадида 1976 йилдан бери фаолият юритиб келаётган ассоциация 35 мамлакатнинг 72 та банкини ўзида бирлаштирган. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёти банки каби нуфузли молия институтлари ADFIAP аъзоси экани ассоциация мавқеи баландлигидан далолатдир.

Анъанага кўра, халқаро молия ассоциацияси ўз фаолиятида янги инновацион лойиҳалар жорий этиб келаётган банкларга бир қатор номинацияларда махсус мукофотлар ҳам топширади. Қувонарлиси, бу йилга махсус мукофотларнинг бири — «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш» номинациясидаги соврин Ўзбекистон Тошқи иқтисодий фаолият Миллий банкига топширилди. Сир эмас, айни пайтда Миллий банк жамоаси мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида самарали фаолият юритиб келяпти. ADFIAP томонидан жорий этилган нуфузли мукофот ҳам банкнинг айни шу йўналишдаги фаолиятининг халқаро миқёсдаги эътирофи бўлди дейиш мумкин.

Айтиш керакки, бу Миллий банкка топширилган биринчи мукофот эмас. Банк жамоаси бунга қадар «Мижозларга электрон хизмат кўрсатиш тизими» (2002), «Микрокредитлаш фаолиятини дастурлаш» (2003) ҳамда «Қимматли қоғозлар андеррайтинги» (2004) каби йўналишларда ҳам ADFIAP мукофотларига сазовор бўлган эди.

Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Осиё ва Тинч океани минтақаси молия институтларини ривожлантириш ассоциацияси фаолиятида 2000 йилдан бери аъзо сифатида иштирок этиб келади. 2001 йили эса Миллий банк ассоциация Директорлар кенгаши таркибига қабул қилинган.

**Сабрина ЗОКИРОВА**

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

Хабар

***Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида республикамиз олий ўқув юртлари олимлари, аспирантлар, магистрлар ва талабаларга ДААД стипендияларини топшириш маросими бўлиб ўтди.***

# ДААД стипендиялари топширилди

DAAD

ДААД Германия академик алмашувлар хизмати бўлиб, бутун дунё миқёсида иқтидорли талаба ва тадқиқотчиларга турли йўналишларда стипендиялар тақдим этиш билан шуғулланиб келади. Шунингдек, бу ташкилот Германия олий ўқув юртларида таҳсил олиш ниятида бўлган ёшларга ахборот кўмаги ҳам беради.

1994 йили мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган Германия академик алмашувлар хизмати ҳар йили ўзбекистонлик тадқиқотчи ва талабалар учун стипендиялар тақдим этиб келади. Бу йил юртимиз олий ўқув юртларининг 90 га яқин ўқитувчи, аспирант, магистр ва талабалари халқаро ташкилотнинг стипендияларини олишга муваффақ бўлишди.

Германия академик алмашув хизмати бир неча йўналишда, жумладан, германистика, гуманитар соҳа вакиллари учун стипендиялар тақдим этди. Шунингдек, дастур доирасида илмий тадқиқот билан шуғулланиш ниятида бўлган талаба, магистр ва аспирантларга ҳам ойлик, йиллик стипендиялар берилди. ДААД дастурлари ғолиби бўлган ёшлар эндиликда Германия давлатида таҳсил олиш, илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш ва ўз билимларини бойитиш имконига эга бўлдилар.

Тадбирда иштирок этган Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маттиас Майер икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, хусусан, гуманитар соҳадаги ҳамкорлик муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, элчи жаноблари ДААД стипендиялари ғолиби бўлган ва Германияда таҳсил олиш учун кетаётган ёшлар бу алоқаларни янада тараққий этишига ўз ҳиссаларини қўшишларига умид билдирди.

ДААДнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маня Хуснер эса бу йилги имтиҳон жараёнлари ғоят қизиқарли ва муросасиз ўтгани, танловлардан энг иқтидорли, энг билимли номзодларгина ўтганини билдирди. Мамлакатимиз ёшлари илмий салоҳиятига юқори баҳо берган Хуснер хоним Ўзбекистон учун ажратилган ДААД стипендиялар миқдори келгуси йили ошишини ҳам маълум қилди.

**С. САЛИМ**

Қадимий қўлёзма саҳифалари Афшонада

***Тиб илмининг етук вакили, машҳур аллома Абу Али ибн Сино фаннинг жуда кўплаб соҳаларида қимматли илмий асарлар ёзгани маълум. Бироқ қомусий олим томонидан яратилган бебаҳо қўлёзмаларнинг аксарияти хорижий мамлакатларда сақланади. Алломани бутун дунёга машҳур қилган «Ал-қонун фит-тиб» (Тиб қонунлари) асарининг қимматли нусхалари ҳам бир қатор Европа ва Осиё давлатлари кутубхоналаридан ўрин олган.***

Яқинда Франциядаги Авиценна ассоциацияси «Ал-қонун фит-тиб» қўлёзмаси саҳифалари факсимил нусхасини Афшонадаги Абу Али ибн Сино музейига тақдим этди. Нодир қўлёзма саҳифаларини топшираркан, ассоциация президенти доктор Марк Боннель Абу Али ибн Сино жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган олим эканини таъкидлади. Француз тадқиқотчиси Эрик Обер эса қомусий аллома ҳаёти ва илмий фаолияти бўйича маъруза қилди.

Францияда етакчи илмий жамиятлардан бири саналган Авиценна ассоциацияси 2003 йили ташкил этилган. Ассоциация Абу Али ибн Синонинг турли фан соҳаларидаги илмий фаолиятини ўрганади. Шунингдек, илмий жамият аллома илмий меросини Европа мамлакатларида кенг ёйиш мақсадида семинар, анжуманлар ўтказади, сафарлар уюштиради.

Афшонадаги ибн Сино музейига тақдим этилган нодир саҳифалар ҳозирда Франция миллий кутубхонасида сақланаётган араб ва лотин тилидаги қўлёзмадан олинган нусхалардир. «Ал-қонун фит-тиб» асарининг кўп асрлик тарихга эга бўлган ушбу қўлёзмалари XIV-XV асрларда кўчирилган.

**Маъмура САМАТОВА**

Ҳолат

# Ҳисобот учун мақола

## журналистиканинг қайси жанрига киради?

Яқинда вилоятдаги маъмурий идоралардан бирининг ходими ҳузуримга илтимос билан келди:

— Хизматингизга тайёрмиз. Фақат шу иккита мақолани газетанинг эртанги сонига чиқариб беринг!

— Яхши мавзулар экан. Албатта чоп этамиз. Аммо бу маълумотнома. Ҳали уни мақола қилиб тайёрлаш лозим.

— Ҳа энди, журналист бўлганларингиздан кейин бир амаллаб ёзасизлар-да.

— Бўпти, бўлимга топширамиз, тайёрлагач, ўзингиз келиб ўқиб, қўл қўясиз, кейин саҳифага қўямиз.

— Йўқ, ўртоқ муҳаррир, ўқитиб ўтирасизми? Сизларга ишонамиз. Эртанги сонга чиқмаса бўлмайди. Тошкентга ҳисобот топшира олмаймиз. Мана қаранг, тармоқ, ҳатто кўнгилочар газеталарга ҳам мақолаларимиз чиққан. Режада бор. Сизларда ҳам иккитаси чиқиши керак. Акс ҳолда, гап эшитамиз.

— Ҳой биродар, газетанинг ўзига яраша қонун-қоидаси бор. Кеча "Инсон ва қонун" саҳифаси чиқди. Терговчи, судья, ижрочининг мақолаларини бердик.

— Бир иложини қилинг, ака. Йўқса, каттамиз жавобимни беради. Ўзиям гап эшитади. Хоҳласангиз, 10-15 та газета сотиб оламан. Тиражингиз кўпаяди.

Республика нашрларини билмадим-у, вилоят газеталарида ҳар ойнинг 25-санасидан сўнг деярли ҳар куни шунақа машмаша бор. Илгари ҳуқуқшунослардан дурустроқ мақола ололмасдан оворамиз чиқарди. Энди эса ой ва чорак якунида газетамиз ҳуқуқий нашрга айланиб кетяпти. Баҳслашиб қолсак, "Шу нарса бизга ҳам зарур эмас, аммо бусиз ҳисоботни қабул қилишмайди", деб нолишади. Гоҳида уялмай-нетмай қонун, кодекс, низомларни, Конституция бобларини сўзма-сўз кўчириб келишади. Асаб дош бермайдиган даражада.

— Менга қаранг, расмий маълумотга имзо қўя олмаймиз. Қолаверса, у китоб бўлиб чиққан. Содда қилиб шарҳланмаса, муштарий ўқимайди.

Суҳбатдошимнинг бу гапларни эшитишга тоқати йўқ. Мақоласи чиқса, бас. Айримлари ўз мақоласини ўқишмайди ҳам. "Мен берган мақола (аслида у маълумотнома бўлади) қачон чиқади? Ўша газетадан икки дона топиб беринг", деб телефон қилишдан уялмайдиганлари ҳам бор.

Хўш, ҳурматли ҳамкасб, бундай ҳолатда ориятингиз қўзғамайдими? Очиғи, ушбуни ёзяпман-у, ўзимни ноқулай сезяпман. Мабодо мақола чиқса, энг маҳмадона, энг ёмон мухбир бўлиб қолишим ҳеч гап эмас. Чунки соҳа мутасаддилари бу гапни жуда оғриниб қабул қилишади. Ҳеч қаерда ишламайдиган айрим ҳамкасбларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари мақолаларини ("рағбат" эвазига бўлса керак, албатта) тайёрлаб, таҳририятга келтиришни касб қилиб олишган. Мабодо давр талабига кўра, долзарб мавзуда мақола ёзишни таклиф этсак, "Уни бошқага айтинг, мен режада белгиланган мавзуда чиқиш қилишим шарт", дейишади.

Яна бир гап, 3-4 ой ишлаган суд котиблари, иш юритувчилар, девонхона мудирлари ва техник ходимлар ҳам режа бўйича мақола олиб келишади. Ўз касби моҳияти ҳақида ҳали арзигулик хулоса чиқара олмаган бундай ёшларга раҳмим келганидан ёрдам бераман. Аксариятига ҳеч бўлмаганда ҳисоботларига тикиш, эсдаликка олиб қўйиш учун 10 дона газета сотиб олиш талабини қўямиз.

Бу билан газеталарда ҳуқуқ тарғиботи юзасидан мақолалар бермаслик керак, деган фикрдан йироқмиз. Негаки, ҳар қанча ўжарлик қилмайлик, бундай материалларни бериб боряпмиз. Маъмурий идораларнинг барчаси режа ижросини шу тахлитда талаб қилиб боришса, таҳририятлар раҳбарлари бош чангаллаб қолиши ҳеч гап эмас. Хусусан, ойида 2-3 марта, бор-йўғи 1,5-2 минг нусхада (одатда ярим йилдан сўнг тенг ярмига қисқаради) чиқаётган туман ёки тармоқ газетасида ҳуқуқий мавзуда саҳифалаб мақола берилишидан муштарий ҳам, таҳририят ҳам, муаллиф ҳам манфаат кўрмаса керак.

Ҳуқуқ-тартибот органларининг матбуот, оммавий ахборот воситаларига яқинлашуви, ҳамкорликка даъвати яхши, албатта. Қабул қилинган қонунлар, эълон қилинаётган фармон ва қарорларнинг моҳиятини халққа етказиш, одамларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳар кунги вазифамиз. Бу борада ҳуқуқшунослардан саводли, ўқишли, моҳиятан халққа тез етиб боришга йўналтирилган мақолалар, суҳбат ва маслаҳатлар ҳам оляпмиз. Бунинг учун қўлимизни кўксимизга қўйиб, уларга қуллуқ қиламиз. Аммо юқорида зикр этганим, фақат ҳисобот учун ёзиладиган, газетани ҳам, газетхонларни ҳам ранжитадиган қуруқ кўчирма мақолалар ҳеч кимга керак эмас демоқчимиз, холос.

Соҳа мутасаддилари иштирокида ҳуқуқий мавзуларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича машварат, матбуот конференцияси ўтказиб борилса, ҳамкорлигимиз яхши самара беради. Негаки, маслаҳат орқали муаммога ечим топиш осон. Агар бундай тадбирлар вилоятда ҳам уюштирилса, жуда яхши бўларди.

**Фармон ТОШЕВ,**
Самарқанд вилояти
"Зарафшон" газетаси
бош муҳаррири

Мактуб

# Айбим — даволанганимми?

Ўйлаб-ўйлаб "Hurriyat"га ёзишга қарор қилдим. Чунки бир йилдан ошяптики, ишимга тикланолмай юрибман. Келинг яхшиси, ҳаммага тушунарли бўлиши учун бир бошдан айтиб берай. Мен 1990 йилдан буён Қашқадарё вилояти Адлия бошқармасига қарашли Шаҳрисабз туман 1-давлат нотариал идорасида давлат нотариуси вазифасида ишладим. Ўн олти йиллик меҳнатим давомида бирор марта ҳатто интизомий жазо олганим йўқ. Эгаллаб турган вазифамда қўлдан келганча сидқидилдан меҳнат қилдим. Айниқса, кейинги пайтда соғлигимда жиддий ўзгариш бўлаётганини сезганимдан сўнг 2006 йилнинг 27 март куни 2005 йилдаги фойдаланилмаган ва 2006 йил давомидаги меҳнат таътилига чиқишимни сўраб Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи номига ариза ёздим. Ана шу аризамда меҳнат таътилига чиқишимдан асл мақсад касаллигим хийла жиддий экани, шифокор тез ва мунтазам даволанишим зарурлиги ҳақида хулоса берганлигини ҳам очиқ-ойдин айтдим. Ва шундай қилиб меҳнат таътилига чиқдим. Таътил давомида шифокорлар касаллигим жиддий экани, даволанишим лозимлигини айтишди. Ва бу ҳақда 2006 йил 31 май куни вилоят адлия бошқармаси бошлиғи номига билдирги юбордим. Соғлигим туфайли билдиргини узр сўраб ўзим эмас, почта орқали жўнатдим. Билдиргига Шаҳрисабз туман сил касалликлари диспансери томонидан 2006 йил 31 май куни диспансер бўлими бошлиғи ва даволовчи шифокор имзоси қўйилган маълумотномани ҳам илова қилдим. Унда бемор, яъни мен 2006 йилнинг 25 майидан эътиборан №4484 касаллик тарихи билан диспансер ҳисобида турганим, айни пайтда DOTS дастури асосида даволанаётганим ва даволанишни давом эттиришлигим зарурлиги очиқ-ойдин айтилганди. Билдирги юборилган кун ва сана қайд этилган почта варақаси (квитанция)ни сақлаб қўйганман. Шундай қилиб, шифокор хулосаси ва тавсиясига кўра, даволанишни давом эттира бошладим. Ўтган муддат мобайнида 2001 йил 11 май куни имзоланган "Аҳолини сил касаллигидан муҳафаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддасига амал қилган ҳолда даволандим. 2006 йилнинг 1 декабрида менга 2006 йил 26 майдан 30 ноябрга қадар даволанганлигимни тасдиқловчи вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини беришди. Қўлимдаги барча ҳужжатларни топшириб, ишга чиқишга рухсат олиш учун вилоят адлия бошқармасига бордим. Бошлиқни Тошкентга ўқишга кетган дейишди. Ноилож қайтдим. Орадан саноқли кун ўтиб уйимга почта орқали вилоят адлия бошқармасидан 2006 йил 28 ноябрь куни имзоланган мени ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ келди. Ҳайрон қолиб, яна адлия бошқармасига бордим ва бошқарма бошлиғи вазифасини бажариб турган Актам Муҳаммадиевга учрашдим. У киши менга буйруқни ўзгартириш иложи бор... деди. Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтгандан кейин уйимга вилоят адлия бошқармасидан икки киши келиб турмуш ўртоғимга меҳнат дафтарчамни бериб кетишибди.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 100-модда 3 ва 4-бандида бир марта интизомий жазо қўлланилган ходимгагина такрорий чора қўлланилади, дейилган. Қизиқ, меҳнат таътилига чиққанига қадар ҳеч қандай интизомий жазо олмаган, меҳнат таътили ва ундан сўнг шифохонада даволанаётган ходимга қандай қилиб интизомий чора қўллаш мумкин. Қолаверса, амалдаги қонунчиликнинг қаерида ишдан ходим қўлидаги ҳужжат ва моддий ашёлар олинмай туриб ишдан бўшатилсин, деб ёзилган. "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун 11-моддасида: "Сил касаллигига чалиниш оқибатида меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотган шахсларнинг иш жойи, эгаллаб турган лавозими белгиланган тартибда уларда сақланиб туради ҳамда уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланади", дейилган. Энг қизиқ ва ҳайратланарли жойи шундаки, ҳозир менинг на эгаллаб турган лавозимим сақланган, на 14 ойга нафақа беришади. Мурожаат қилинмаган мутасадди ташкилот қолмади ҳисоби. Лекин ҳанузгача на бир чора, на бир аниқ натижа йўқ. Айбим — даволанганимми?

**Али АТАБУЛЛАЕВ**

Фидойи

# Ўзимизнинг комиссар Катани

***Йўлдош Исоқжонов Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети сиртқи бўлимига киришга қадар газета ишида пишиб етилди. У Избоскан тумани "Пахтакор" газетасида 8 йил мусаҳҳиҳлик қилди. Ўша даврдаёқ газетанинг нонини темир тишли чидамли кишиларгина ея олишига амин бўлди.***

**Анваржон ҲАЛИМОВ**

Кириш имтиҳонларида профессор Очил Тоғаев кўзларидан ўт чақнаб турган шижоатли бу йигитда бўлажак журналистни кўра олди, шекилли. Кириш баллари бироз етмаса ҳам: "Ўғлим, сени ўқишга қабул қиламиз", дегани унга қанот бағишлагандек далда бўлди. Улуғларнинг келажакни кўра олиши зиёлиларга хос бўлган хислатлардан бири бўлса керак. Дорулфунунда кўплаб журналистларнинг устозлари бўлган Турсун Пидаев, Мухтор Худойқулов, Сайди Умиров ва Бойбўта Дўстқораев каби олимлардан таълим олди. Улардаги ҳалоллик ва камтарлик каби хислатларни ҳаётий шиорига айлантирди. Журналист — халқнинг виждони. Агар виждон уйғоқ бўлса ноҳақликларга қарши кураш тўхтамаслиги аниқ. Шўролар даврида район раҳбарларидан бирининг қишлоқ стадионини бузиб, ўрнига дала ҳовли қурдириши Йўлдош Исоқжоновнинг туман газетасида "Осмондан тушган уй" фельетонининг ёзилишига сабаб бўлди. Фельетон босилиб чиққандан сўнг, Йўлдош аканинг пешонаси хўп ғурра бўлди. Лекин ҳақиқат қарор топди. Қишлоқ стадиони қайтадан тикланди. Шунда уни катта кабинетда ўтирган раҳбарнинг салобати ҳам чўчита олмади. "Сен ёздингми?" дея еб юборгудай қараши ҳам унга сира таъсир қилмаган эди. Раҳбарнинг қабулидан чиққандан кейин Йўлдош аканинг кўзларидан ёш кела бошлади. Аммо бу ёшлар мағлубликдан эмас, балки ҳақиқат юзага чиққанидан ғолиблик кўз ёшлари эди.

"Айбсиз айбдор" фельетонида эса район ДАН назоратчисининг қонунбузарликларини фош этиб ташлади. Танқиддан кейин Йўлдош аканинг бошида кўп таёқлар синди, лекин у эгилмади, букилмади, синмади. Ушбу воқеалардан сўнг журналист Й. Исоқжоновни тумандаги таниган-танимаган кишилар борки, "Ўзимизнинг комиссар Катани!" дейишадиган бўлиб қолди. Ҳа, дарҳақиқат, журналист ватан ва халқ манфаатларини ҳолис ва ҳаққоний ёза олиши, комиссар Катани каби жасур ва журъатли бўлиши лозим. Шундагина у элнинг эъзозида бўлади.

Халқимиз Мустақилликка эришганидан сўнг Й. Исоқжонов "Савдогар" газетасининг Фарғона водийсидаги мухбири сифатида қалам тебратди. Айниқса, Норин тумани Марказий деҳқон бозоридаги ноқулайликлар тўғрисидаги мақоласи ва Избоскан туман ерларини ер ости сувларининг кўтарилиши натижасида экин майдонларининг захлаб кетаётганига доир "Зах балосига даво қайда?" танқидий-таҳлилий чиқишлари кенг жамоатчилик эътиборига тушди. Муҳими, юқоридаги чиқишларидан сўнг Норин деҳқон бозори қурилиши замонавий лойиҳа асосида бошлаб юборилди. Қолаверса, зах сувларни қочириш мақсадида 1523 гектар ерларни мелиоратив ҳолати яхшиланди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида ер ости сув сатҳи 1,5-2 метрга пастлади.

Кўпинча туман газетасига қуйи матбуот дея таъриф беришади. Менимча, бу таъриф кўпам тўғри эмас. Ҳар қандай матбуот нашрининг савиясини ижодий иқтидорли, малакали ва изланувчан ходимлар белгилайди. Ушбу маънода "Пахтакор" газетасини ўқишли, сермазмун бўлишида Й. Исоқжоновнинг салмоқли ўрни бор.

Йўлдош аканинг яна бир ўзига хос томони шундаки, у кўрмаган-билмаган воқеа-ҳодисалар ҳақида юзаки ёзишга одатланмаган. Балки шунинг учунми, уни муҳарририятда кам учратасиз. У ҳамиша қайноқ ҳаёт бағрида халқнинг ўй-ташвишларига яқин. Халқнинг кувончларига қўшилиб кувонади, муаммо ва камчиликлар ҳақида эса куюнчаклик билан ёзади. "Амал курсиси ором курсиси эмас", "Ёзмасам туролмайман", "Ишлар бешга ўхшайди" каби танқидий-таҳлилий мақолалари ана шундай изланишлар самараси дейиш мумкин.

Биз унга ҳақиқат йўлида сира қурашдан толманг, ҳақиқат ҳамиша йўлдошингиз бўлсин, дея эзгу тилаклар билдириб қоламиз.

Огоҳлик

# Фалокатнинг учинчи сабаби

Кузатган бўлсангиз, кўпгина транспорт воситаларининг орқасига "Йўл қоидаси — умр фойдаси" деб ёзиб қўйилган. Албата, ҳайдовчи ҳам, йўловчи ҳам бу шиорга амал қилса, турли кўринишдаги фалокатларнинг олди олинади. Шундай ҳукм қиламиз-у, аммо ҳамон давом этаётган кўнгилсиз воқеаларнинг бошқа сабаби ҳам бор экан. Мазкур омиллар, яъни йўллардаги носозликлар туфайли бир қанча автоҳалокатлар қайд этилган. Фикримизнинг исботи учун шаҳримизнинг кўпгина манзилларида, жумладан, Собир Раҳимов тумани Қорақамиш 1/4 даҳаси машина парки дарвозаси қаршисида, Учтепа тумани Ал-Хоразмий даҳаси "АҲМАД" кафеси олдидаги чорраҳада, Чилонзор тумани 18-мавзесининг катта марказий йўлида, 19-мавзесининг, "Кичик Хирмонтепа" маҳалласи "Заргарлик" кўчасида, яна шу туманнинг 26-мавзеси "Ватан" кинотеатри қаршисидаги чорраҳада, "Лутфий" кўчасининг катта йўлида учрайдиган чуқурликларни келтириш мумкин. Хўш, бундай носоз йўллар автоҳалокатга сабаб бўлмайдими?

Ачинарлиси шундаки, баъзи жойларда одам тушса чиқолмайдиган ўралар ҳам бор. Ҳайдовчини огоҳлантириш мақсадида мана шундай ўраларга дарахт шохини тиқиб қўйишади.

Юқорида келтирилган носозликларни тузатиш масъул ходимлар хаёлидан кўтарилган бўлса, эътибордан четда қолган бўлса, энди ёдига тушар...

**Сарвар ХУРРАМОВ**

***Олим НОРҚУЛОВ*** *чизган*

Табиат

# Яйдоқлик чорраҳасидаги ўйлар

***Охири. Бошланиши олдинги сонларда.***

**Дадахон НУРИЙ**

Дарвоқе, гапни Бўстонликдан бошлагандик.

Бир пайтлар бу жойларда бўлган ҳинд-пок абадиётининг йирик намояндаси аллома Файз Аҳмад Файз: "Мен ўзимни Кашмирда юргандек ҳис этяпман", деганди. Кимдир уни "Ўзбекистон Швейцарияси" ҳам деган.

Шубҳасиз, бу заминнинг гўзаллиги ҳам ёки унинг акси ҳам яшиллик оламининг кўлами ва қай ҳолатда эканлигига боғлиқ. Бўстонликни шовуллаб турган боғлар, оппоқ қорли тоғ чўққиларини салобат суқутига чўмдирган ўрмону арчазор-ёнғоқзорлар, нилгун осмон саҳнига сингиб кетган ўтлоқлар узра чопаётган булоқларнинг ўйноқи жилғаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Кейинги ўн йиллар мобайнида Бўстонлиқ анча "шаҳарлашиб", жаҳон андозасига мос барча шарт-шароитлари мавжуд оромгоҳ комплекслари қурилгани, улар кўпчиликда ҳайрат уйғотаётгани рост. Бироқ шу билан унинг асрлар давомида шаклланиб, сайқал топган азалий қиёфасига анча-мунча заҳмат ҳам етказиб улгурилди.

Энг ёмони, қаерда сув, булоқ бўлса ўша ер "хусусийлаштирилиб" ҳар ким ўзи билганча "ўзлаштириш"га киришди. Табиий чашмалар атрофи, катта-кичик сув ҳавзалари, дарё ва анҳор-ариқ бўйларини ҳаммом-саунали жимжимадор "қасрчалар" эгаллади. Чўмилиш бассейнларини-ку санаб саноғига етолмайсиз.

Қадимдан халқимизнинг "Сувга тупурма, бир кун келиб ўзинг ичасан" деган ҳикмати бор. Азим Тошкент шаҳри ҳамда бутун воҳанинг ягона оби ҳаёт-ичимлик сув манбаи бошида туриб олиб, уни ювиндилар билан "лойқалатиш"ни қандай баҳоламоқ керак?!

Шу ерда табиатнинг инсонларга бахшида этган энг ноёб неъмати — ичимлик суви ва яшиллик оламини асраб-авайлашга дахлдор яна бир воқеани айтиб ўтай: Бўстонликни Кашмирга қиёсланганида жон борлигини мен у ернинг кўплаб сўлим гўшаларини кезиб ишонч ҳосил қилганман. Ҳаммаёқ яшиллик оламига бурканган. Дарахтлар остида ўсиб ётган ҳар бир ниҳолнинг ўзига хос файзи кўзга ташланади. Уларни ҳеч ким аёвсиз босиб-янчиб ўтмайди. Балки эъзозлайди...

Бир куни уч-тўрт чақирим пастликдан оқувчи Жҳелам дарёсидан илон изи тоғ сўқмоғи бўйлаб хачирларга боғланган бидон идишларда сув ташиб чиқаётган йигитлардан бирини саволга тутдим:

— Ҳов, тепадаги чашмаларда сув сероб-ку! Бу лойқа сувларни нима қиласизлар?

— Чашма суви — ичиш учун! Булар билан дарахтларни суғораман.

Мен бу ерлардаги табиат қўйни биз тасаввур қилолмас даражада одам билан гавжум ва тўлиб-тошган бўлишига қарамай нима учун бу қадар яшилликка бурканган, тароват ҳам бошқача деб ўйлаб, ўйимнинг охирига етолмасдим. Йигитчанинг оддийгина қилиб берган жавоби шу "жумбоқ"ни очиб ташлагандай бўлган, ўшанда кўнглимдан "Қани, энди биз ҳам ўзимиздаги тоғлар оламига шундай муносабатда бўлсак" деган фикр кечганди...

Мутахассис олимлар тажриба орқали исботлашган: тоғдаги бир туп дарахтнинг қуриши яқин атрофдан чиқувчи булоқ сувининг сезиларли даражада камайишига сабаб бўларкан. Демак, Бўстонликда кўплаб булоқлар қуриш арафасида экани аниқ.

Бунинг хунук оқибати фақат шу туманнинг ўзида эмас, бутун Тошкент шаҳри, воҳаси ва ундан ўтиб Сирдарё, Жиззах вилоятларида ҳам акс-садо бўлиб жаранглаши мумкин... Бир пайтлар Орол билан боғлиқ шундай муаммолар кўтарилганда пинагини бузмаган, ҳатто матбуот чиқишларини таъқиб остига олган, фақат ўша кунлар ташвиши билан яшовчи гумроҳлар топилганди. Энди Бўстонлиқ мисолида олдинги хатолар қайтарилмаслиги керак.

Бу аччиқроқ гаплар учун гўзал Бўстонлиқ қиёфасини ҳаддан зиёд рутубатли қилиб таърифлабди деб, каминадан ранжимасинлар. Мен ушбу заминнинг бир-икки кунлик меҳмони эмасман. Ақлимни таниб-манки, унинг олисларга элтувчи тоғ сўқмоқлари бўйлаб кезаман. Ҳар бир қишлоқ-овулларда қадрдонларим бор... Қўлимдаги болалар газетаси таҳририяти томонидан берилган ҳужжатни кўриб, ўша пайтдаги район раҳбари, ажойиб инсон Қўйшимонов оға: "Сен Бўстонлиқ билан танишувни Пскомдан бошла", деб мени энг олис Қоронғитўқай сарҳадларигача олиб борган. Шундан бери Бўстонликка "боғланиб" қолганман. Бу ерга элбошилик қилган ўнлаб "биринчи раҳбар" ва ҳокимлар билан салом-алигим бор. Ҳаммалари Яратганнинг беназир инъоми бўлган шу сўлим ўлка равнақи йўлида баҳоли қудрат хизмат қилдилар, албатта. Мен уларни яхши эслайман, кўришиб ҳам турамиз.

Ҳозирги туман ҳокими Қамбарали Эшонқулов чекига анча-мунча муаммолар "мерос" бўлиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Шуларнинг ҳеч бўлмаса бир улушини ҳал этаман деб елиб-югуриб, баъзан асаблари таранг тортилиб юрганини кўпчилик кўриб, билиб турибди.

Лекин барибир очиқ гапни айтишга тўғри келади: Бўстонликнинг айрим ҳудудларида боғ-роғлар камайиб, тоғ-тош яйдоқлашиб, ўрмонлар сийраклашиб бораётгани ҳақиқат. Бунга мисол қилиб, Пском водийсининг ҳозирги қиёфасини кўрсатиш мумкин.

Ҳа, азим Чотқол тоғлари орасида ястаниб, қарийб юз чақиримдан зиёд масофага чўзилган бу сўлим



гўша бир пайтлар боғлари, серҳосил далаю чексиз ғалла майдонлари билан район иқтисодиётининг таянчи ҳисобланган. У ерда етиштирилган турли деҳқончилик маҳсулотларидан ташқари олмазор боғлардан мўл-кўл ҳосил олинган. "Қандил", "Жоноқи", "Бешюлдуз", "Олтинранг" деб аталувчи ўндан зиёд навли олмалар ҳозир бозорларимизни босиб кетган, отасининг баҳосида пулланаётган хорижий мевачевалардан ўн чандон, мазали, кўримлироқ бўлса-бўлганки, кам бўлмаган. Улар ҳосилини машиналар Ғазалкент консерва заводига пешма-пеш ташиб улгуролмас, аксар ҳосил барвақт тушган қор устига кўрпадай тўкилиб ётганча қолиб кетарди.

Пскомнинг қарийб икки минг гектарча лалми буғдойзорларидан мўлкўл ҳосил кўтарилган.

Шубҳасиз, ғалланинг мўллиги чорвачилик ривожига ҳам катта имкон яратади. Пскомда сут-товар фермаси ишлаб турган, яқин-атроф тоғ яйловларида кўплаб қўй-қўзи, йилқилар боқилган.

Ҳозир пскомликлар четдан олиб келинадиган буғдой унига эҳтиёж сезишяпти. Бир пайтлар ишлаб турган ўнлаб сув тегирмонларининг баҳайбат "тош"лари шоввалар этагида ётибди...

"Яйдоқлик" иборасига урғу бердик. Зеро, Бўстонликдаги дендрологик аҳволни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳатто у ерда амалга оширилаётган таҳсинли ишларни ҳисобга олиб, кечириб юборса бўладиган даражада эмас.

Лекин бу "йўқотиш"ларни ёмон ярадай авж олиб кетмасдан олдини олиш имкониятлари мавжуд-ку!

"Ҳашар" деб аталувчи халқимизнинг уюшқоқлик салоҳиятига хос анъанавий удуми борлиги ҳаммага маълум. Шу удум бир мақсад йўлида барчани бирлаштирган. Бирники — мингга, мингники — туманга деганларидек, "ҳашар" орқали кимнингдир бошига тушган муаммо ҳал этилган, табиий офатлар олди олинган. Бунинг учун куюнчак, уддабурро оқсоқолнинг ёшу қари — барчанинг хайрли ишга чорловчи даъвати ҳамда шахсий намунаси даркор бўлган.

Бунга ёрқин бир мисол: тумандаги йирик қишлоқлардан бири Нанайдан ҳар йил, пилла қурти даҳага кириш арафасида барг етишмай қолар, шунда одамлар ҳар қаёққа югуриб, ҳатто туман марказигача боришар, хонадонларидаги хўраки тут шоҳларигача кесиб олишарди. Бу албатта анча-мунча норозиликларга сабаб бўларди. Барг талашиб "сан-ман"га борган ҳамқишлоқларни-ку қўяверинг! Шунда Нанайдаги хўжалик бошлиғи Назаров аҳолини йиғиб, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир одам зиммасига бир жуфт тут, бир жуфтдан мевали кўчат ўтқазиб, кўкартириш вазифасини юклайди. Ва ўзи бўш ётган тошлоқ жойда тутзор, кичкина боғ яратишга киришади.

Орадан кўп ўтмай бир ёқадан бош чиқариб амалга оширилган хайрли иш ўз натижасини беради — одамлар барг ташвишидан қутуладилар, Нанайда боғлар кўпаяди.

Яна, шу қишлоқда бўлиб ўтган бир воқеа ҳамон кўз олдимдан нари кетмайди: эллик бешинчи йиллар эди, чамаси... Тоғдан бир туп дўлана дарахтини кесиб, эшагига судратиб тушаётган кишини колхоз раиси Ҳолиқ бува гузарга келтириб, ҳамманинг кўз олдида бунинг жазоси шу дея, беш қамчи урганининг гувоҳи бўлганман.

Ҳолиқ буванинг бу хил "иш юритиш" русумини оқлаб бўлмас. Лекин Нанайдаги "умумқишлоқ" ҳашарини туман раҳбарлари бутун Бўстонлиқ миқёсида жорий этиб, анъана тусини олдирганларида эди, ҳозирга келиб бу муаммоларни дастурхон қилиб ёзиб ўтирмаган бўлардик.

Бир пайтлар Бўстонликда тўрт йилча "биринчи раҳбар" бўлиб ишлаб келган кишини кўпчилик ҳамон эслайди: "Яхши одати бор эди: тўй-маъракали эшикни босиб ўтмас, тўхтаб бир пиёла чой ичиб ёки фотиҳа ўқиб кетарди..."

Чорбоғликлар "ГЭС" қурилиши бошлиқларидан бирининг номини, мана қирқ йилки, ҳурмат билан тилга олишади: "Қишлоғимиз ўртасидан ўтувчи шу ёнғоқзор — Боғкўча ўша кишининг ташаббуси билан барпо этилган. Бошқаларга ўхшаб фақат хазон тўкувчи дарахтлар эктириб ташламаган. Мана, ҳосилига кўпчиликнинг оғзи тегиб турибди... Ҳар йили камхаржроқ оилаларга қоқиб олинглар деб уч-тўрт тупдан бўлиб берилади. Савоби ўша кишига тегсин!"

Демак, кўпчилик бефарқ эмас. Раҳбарнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб туради. "Шунча йил ишлаб, бирор туп кўчат кўкартирмай кетди-я", деган иснодли гап орттиришдан ёмони йўқ...

Кўрку салобатда ҳар қандай манзарали дарахтдан қолишмайдиган ёнғоқ қадим-қадимдан файз-барака тимсоли ҳисобланган. Илмий адабиётда "ҳаво комбинати" деб бежиз айтилмайди. Шунинг учун ҳовли ялангликлари этагига, сайилгоҳ майдонлар атрофига экиш урф бўлган.

Баъзи ваҳима хуружига йўлиққанлар башорат қилганидек, "соясида ухлаб бўлмайдиган" дарахт эмас. Ваҳоланки, унинг хосияти ҳақида машҳур педагог Сухомлинский шундай ёзган: "Болалар боғчалари, яслилар, айниқса, болалар ухлайдиган хоналар атрофига ёнғоқ экинг. Чунки бу дарахт турли микробларга, касаллик тарқатувчи зараркунанда ҳашаротларга қирон келтиради. Ҳавони тез тозалаб, мўътадиллаштиради. Болалар мириқиб ухлайди".

Шундан кўриниб турибдики, ёнғоқ ҳақидаги фикр ғирт уйдирма. Унинг мағзи инсонга ақлий комиллик (одам миясига ўхшашлигига эътибор беринг!) бахш этувчи табиат неъмати сифатида азалдан табобат уламолари диққатини тортиб келган, тиббий рисолаларда кўп ва хўп таърифтавсиф этилган.

Таниқли биолог олим домла Маноп Тўйчиевнинг катта анжуманларда тез-тез қайтариб тургувчи гапи бўларди: "Агар Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир киши биттадан ёнғоқ кўчати экиб, кўкартирганида эди, тўрт-беш йил ўтиб, дастурхонимиз янада файзлироқ бўларди, пахта ёғига эҳтиёж қолмасди". Бу гаплар айтилганига қирқ йилдан ошяпти. Ҳамон пахта ёғи "ичиб" ётибмиз. Ёнғоқ дарахтлари бўлса камайиб бормоқда, айниқса, кейинги пайтлар ноёб ёғочининг бозори чаққон. "Етилган" бир тупини 250-300 минг сўм баҳолаб, кўтарасига кесиб кетадиган мижозлар кўпайган. Иш шундай давом этаверса, бир кун келиб ёнғоқ ҳам "Қизил китоб"га тушиб қолмасайди, деб хавотирга тушади, одам.

... Хаёллар оғушида юра-юра чорраҳадан анча узоқлашиб, асосий қисми яқиндагина қуриб битказилган, қарийб 60 чақиримлик равон ва кўркам Тошкент-Чорбоғ шоҳкўчаси устидан чиқиб қолдим. Рўпарамда Қоранқул қишлоғи ҳамда йўлакнинг қоқ ўртасидан ўсиб чиққан ёнғоқ (уни аллақачон кимдир кесиб олган)ли гузар кўриниб турарди.

Янги магистрал йўл атрофида "кўкаламзорлаштириш" ишлари бошлаб юборилибди... Аслида бу пайҳонлашга ўхшаб кўринди кўзимга: кўчанинг икки тарафи йўдум-чуқур қилиб "шудгорланган" ва бир неча қатордан минг-минглаб акация каби манзарали ниҳоллар ўтқазилганди. Косовкепата нимжон бу кўчатлар довул урган қамиш поялари каби ҳар томонга айқаш-уйқаш бўлиб ётар эди...

Ғайритабиийроқ бу манзарани барпо этган кимсаларга қараб аюҳаннос солгинг, "Эй, инсон, сувни зар, ерни гавҳар билиб ҳар қаричига меҳрини тутиё қиладиган, томорқасида бирор алаф пайдо бўлиб қолса "хосиятсиз" деб ўрнига мевали ниҳол ўтқазиб қўядиган миришкор ота-боболаринг удумини унутдингми, Президентимиз айтганидек "Файз ва барака ато этувчи бу замин" имкониятларини ардоқлашни ўргансанг-чи! Ҳеч бўлмаса мана шу "манзара" орасига бу томонларнинг азалий кўрк ва тўкинчилик дарахти ҳисобланмиш ёнғоқ ҳам экиб қўйсанг бўлмасмиди! Орадан икки-уч йил ўтиб, унинг ҳосилидан ўтган-кетган, ўз бола-чақанг баҳраманд бўларди-ку, ахир!" дегинг келади.

Ўйларимни тепадан асфальт йўл устига "тарс" этиб тушган ниманингдир овози тўзғитиб юборди. Бундоқ қарасам, бир дона ёнғоқ теннис соққасидай сакраб-сакраб кўчанинг ўнг томонидаги ҳандақчалардан бирига, ерга қадар букилиб ётган манзарали кўчат остига бориб тушди.

Терак бўйи баландликда икки қуш учиб борарди. Бирдан яйдоқ йўл бўйидаги жилға қирғоғида ўсиб ётган ёнғоқча кўз олдимда гавдаланиб кетди. Назаримда, қушлар мана шу кенг ва нурафшон қутлуғ йўл бўйига яна бир эзгулик ниҳолини экиб кетгандай бўлишди.

Ҳеч бўлмаса, шу жониворлардан ўрнак олсак-чи...

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Таниқли ёзувчи ва публицист Дадахон Нурийнинг тоғли ҳудудларимиз — Бўстонлиқ ва Пскомнинг манзаралари ҳақида куюнчаклик билан ёзилган туркум мақолаларини, афсуски, имкониятимиздан келиб чиқиб тўлиқ ёрита олмадик. Муаллиф бу мавзудаги мақолаларини жамлаб китоб қилиш нияти борлигини эшитиб чин дилдан суюндик. Муштарийларимиз уни тўлиқ ҳажмда китоб ҳолида ўқийдилар, деган умиддамиз.***

Нигоҳ

# Боши қотган арбоблар

## Деҳли ҳукумати... бебош сигир ва саёқ маймунларга қарши "муқаддас уруш" эълон қилди

**Деҳли — Ҳиндистоннинг энг ривожланган, гўзал ва катта шаҳри. Пойтахт эмасми, мамлакатнинг ҳукумат идоралари ҳам, нуфузли бошқарув ташкилотлари ҳам шу ерда жойлашган. Ижтимоий тенгсизлик жуда кучлилиги, транспорт қатнови ўта тиғизлигини айтмаганда, Деҳли пойтахт деса дегулик ажойиб шаҳар. Лекин ҳар тўкисда бир айб деганларидек, айни замонда пойтахт ҳукуматини жиддий бош қотиришга мажбур қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Агар ана шу муаммолардан бири сигир, маймун каби жониворлар билан боғлиқ десак, ўқувчига бироз ғайритабиий туюлиши мумкин. Аммо катта бир давлатнинг бошкентида сигир, маймунлар бемалол сайр қилиб (тўғрироғи, дайдиб) юрганини тасаввур қилсангиз, муаммо кўлами биз айтгандан ҳам каттароқ эканига амин бўласиз...**

Собиржон ЁҚУБОВ



Ҳиндларнинг бир неча минг-йиллик тарихга эга ведаларида сигир муқаддас жонивор деб эълон қилинган. Ҳатто индуизмга эътиқод қилувчи аҳоли томонидан тилсиз жонивор илоҳ даражасида эъзозланади (цивилизациялашган XXI асрда инсонларнинг жониворга сиғиниб юриши соғлом ақлга тўғри келмаслиги аён ҳақиқат, лекин наилож, халқаро ҳуқуқда эътиқод эркинлиги, диний бағрикенглик деган тамойиллар бор). Маҳаллий халқнинг сигир гўштини умуман тановул қилмаслиги ҳам бир нави, бироқ, қизиғи, ҳатто бежороқ ҳаракат қилган сигирга ҳам зўрлик ишлатиб бўлмайди. Шу боис пойтахтнинг гавжум ва тирбанд кўчаларида ҳам сигирлар бемалол сайр қилиб юради. Худди меҳмонга келган ҳурматли сайёҳлар каби. Тиғиздан тиғиз транспорт қатновига минг халақит берса ҳам, ҳаттоки авариялларга сабаб бўлса ҳам, сигирларга дахл қилинмайди (уларни ўлдириш қонун йўли билан ҳам тақиқланган).

Деҳли — жуда азим шаҳар. Бу ерда 13 милллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ана шундай улкан издиҳомда сигирлар бемалол дайдиб юришини тасаввур қилиб кўринг. Унчалик кўнгилга ёқмайдиган манзара. Шундай эмасми?

Айни пайтда Деҳли ҳукумати муқаддас жониворлар билан боғлиқ муаммони бартараф этиш чораларини кўряпти. Дастлаб кўчада дайдиб юрган сигирни келтирганларга мукофот ваъда қилинди: шу йўл билан шаҳардаги минглаб хўжасиз сигирларни йиғиб олиш мақсад қилинганди. Бироқ бу тадбир ҳам фойда бермади, тирикчиликдан қийналган одамлар ўз сигирларини топшириб мукофот олар-олмас, бир айланиб келиб, яна молларини талаб қила бошлашди. Хуллас, бу ортиқча харажатдан бошқа натижа бермади. Агар ишонсангиз, ана шундай тушунмовчиликлар олдини олиш учун сигирларнинг томоғига у ҳақдаги маълумотлар ёзилган махсус микрочиплар ҳам ўрнатиб кўрилди. Лекин бу ҳам фойдасиз бўлиб чиқди.

Кечмиш тажрибалардан хулоса чиқарган Деҳли ҳукумати ҳозирда янги режа устида иш олиб боряпти. Бунга кўра, шаҳар ташқарисида жуда катта ферма ташкил этилади ва у ерда кўчаларда дайдиб юрган барча сигирларга жой берилади. Сигир эгалари эса боқиб бергани учун давлатга маълум миқдорда пул тўлашади. Бу режа ижобий натижа бериши қийин. Нега деганда, кўчада ўз ризқини териб келаётган сигирини ким ҳам тўлов эвазига фермага берар эди. Боз устига, бу ёқда дин пешволари сигирнинг муқаддаслигию унга озор берганларнинг косаси оқармаслиги ҳақида ваъз айтиб турган бўлса!

"Рамаяна" сериалидаги Хануман исмли маймун тимсоли кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Бу ҳўв бир замонлардан қолган достон қаҳрамони-ку дерсиз. Лекин ҳиндлар ҳозиргача ана шу думли маймунни адолат ва куч-қудрат рамзи сифатида қадрлашади. Хануманнинг ҳурматидан бўлса керак, Деҳли кўчаларида сандиракқлаб юрган унинг авлодларига ҳам тегишмайди. Маймунлар пойтахтдаги уй томлари, бино дераза-ларида юргани, очиқ қолган ойналардан уйларга кириб олиши ҳам майли, улар ҳаттоки ҳукумат идораларига бемалол бош суқа олади. Ҳарқалай, адолат ва куч-қудрат рамзи бўлган Хануманнинг авлодларига қайси мард қаршилик қила оларди?

Ана шу тилсиз махлуқлар 2004 йили катта сиёсий можарога ҳам сабаб бўлди. Ҳиндистон мудофаа вазирлигининг мутлақо махфий тамғаси босилган ҳужжатлари шундоққина гавжум кўчада, ерда ётгани маълум бўлган пайтда ҳукумат арбобларининг қандай саросима ва таҳликага тушганини кўп таърифлаш шарт эмас: халқаро жанжалга олиб келиши мумкин бўлган хуфия ҳужжатларни ким ўғирлади — террорчиларми ёки ғаним давлатларми? Кейинроқ маълум бўлишича, неча генералларнинг истеъфосига сабаб бўлган ҳужжатларни очиқ қолган ойнадан мудофаа вазирлиги биносига кирган... макака маймуни олиб чиқиб ташлаган экан. Бу жонивор кимларнингдир жони тикилган махфий ҳужжатларнинг қадрини қаердан ҳам тушунсин?

Шундан кейин Деҳли ҳукумати Хануман авлодларини йўқ қилиш учун жиддий ҳаракатга киришди. Бутун шаҳарда ўзини ҳоким ҳис қилиб қолган маймунлар алоҳида жойга қамаб қўйилди — фойдаси бўлмади. Интизомсиз жониворларни бошқа штатга сургун қилмоқчи ҳам бўлишди. Лекин бошқа штатларда ҳам қоидабузарлар етиб ортар экан. Шундан кейин мамлакат Олий судининг қарори билан (ана шунақа, муқаддас ҳайвонлар тақдири олий маҳкама даражасида ҳал қилинади!) бебош маймунлар оммавий равишда Деҳли атрофидаги ўрмонларга юбориладиган бўлди. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек ҳал бўлаётгандек эди. Лекин кутилмаганда яна бир муаммо чиқиб қолди: шаҳардан келган маймунлар қишлоқлик қавмдошларига кун бермаётган эмиш.

Буям етмагандек, маймунларнинг сургун қилиниши маҳаллий аҳолига ҳам маъқул келмади. Чунки улар маймунларга ҳар сешанба куни (индуизм динига эътиқод қилувчи аҳоли бу кунни Хануман куни деб байрам қилади) бананлар ва ёнғоқлар бериб чексиз савобларга нойил бўлишаётган эди. Бу амалнинг фазилатини тушунмаган расмийлар эса Хануманнинг қариндошларини ҳайдаб юборишяпти.

**P.S.** *2010 йилги Британия Ҳамдўстлиги мамлакатларининг спорт мусобақалари ҳам Ҳиндистон пойтахтида ўтиши мўлжалланяпти. Халқаро миқёсдаги тадбирга мезбонлик шунчаки ташкилотчилик билан чекланмайди. Нуфузли мусобақани ўтказиш учун шаҳарни тоза, ораста-озода ва тартибли ҳолатга келтириш керак. Нега деганда, сигир ва маймунларнинг эркалигини маҳаллий халқ кўтариши мумкин. Бироқ хорижлик меҳмонлар учун бу жониворлар шунчаки инсон эҳтиёжига хизмат қилиш учун яратилган махлуқлар, холос. Бошқа ҳеч нарса эмас.*

Рейтинг

# Дунёдаги энг нуфузли компаниялар

***АҚШда чоп этиладиган The Fortune журнали дунёдаги энг нуфузли 50 та компания рўйхатини эълон қилди. Йиллик рўйхатни тузиш учун дунёнинг 30 га яқин мамлакатидаги 1500 дан зиёд топ-менежерлар фикрлари ўрганилган. Респондентлар янги технологиялардан фойдаланиш, бошқарув самарадорлиги, молиявий хавфсизлик, маҳсулот ва хизматлар сифати каби жиҳатларга кўра компанияларга баҳо беришган.***

***Сайёрамизнинг энг нуфузли 50 компанияси сафига Америкадан 35 та, Япониядан бешта, Буюк Британиядан 3 та, Германиядан 2 та, шунингдек, Франции, Финляндия, Швейцария, Сингапур ва Жанубий Кореядан биттадан компания кирган.***

***Қуйидаги компаниялар The Fortune журнали рейтингининг дастлабки ўнлигини эгаллаган.***

**1. General Electric** (АҚШ). Машинасозлик соҳасида етакчи саналган компания бутун дунёда ўз ваколатхоналарига эга. Компаниянинг йиллик савдо айланмаси 163,4 миллиард долларни ташкил этди.

**2. Toyota Motor** (Япония). 1937 йили ташкил этилган корпорацияда 286 мингдан ошиқ ходим меҳнат қилади. 2006 йили Toyota Motorнинг савдо айланмаси 178,9 миллиард долларга тўғри келди.

**3. Procter & Gamble** (АҚШ). Косметика, парфюмерия воситалари ва шахсий гигиена маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган компаниянинг йиллик савдо оборотн 68 миллиард долларни ташкил этади. Procter & Gamble жаҳоннинг 160 мамлакатида фаолият олиб боради.

**4. Johnson & Johnson** (АҚШ). Шахсий гигиена воситалари ҳамда тиббий ускуналар ишлаб чиқарадиган компания дунёнинг 57 мамлакатида 200 дан ортиқ бўлимларга эга. Компания штатида 122 минг ходим қайд этилган.

**5. Apple** (АҚШ). Асосан компьютер маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган компания бутун дунёда юқори сифат рамзи деб тан олинган. 2007 йили компания номидан «computer» (компьютер) атамаси олиб ташланди. Буни муассаса фаолият кўламини кенгайтириб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришгани билан изоҳлаш мумкин.

**6. Berkshire Hathaway** (АҚШ). Сармоя холдинги дунё бойлари рўйхатида иккинчи ўринни банд этган Уоррен Баффетга тегишли. Компания суғурта, савдо ва молия хизмати билан шуғулланади.

**7. FedEx** (АҚШ). Дунёнинг 220 дан ортиқ мамлакатида почта хизмати кўрсатиб келаётган компания катта нуфуз қозонган. Унинг йиллик савдо айланмаси ўртача 32,3 миллиард долларни ташкил этади.

**8. Microsoft** (АҚШ). Сайёрамизнинг энг бой кишиси Билл Гейтсга қарашли компания компьютер ва ахборот технологиялари ишлаб чиқаради. 2006 йили компания 12,6 миллиард доллар соф фойда кўрган эди. Microsoft компаниясида 71 минг ходим меҳнат қилади.

**9. BMW** (Германия). Автомобиль ишлаб чиқариш бўйича деярли бир асрлик тажрибага эга бўлган немис концерни ҳақли равишда нуфузли компаниялар ўнлигига кирди. Концерн айни пайтда Mini ва Rolls-Royce компаниялари назорат акция пакетига ҳам эгалик қиляпти. BMW биргина 2005 йилнинг ўзида 1,3 миллион дона автомобиль сотишга муваффақ бўлди.

**10. PepsiCo** (АҚШ). Ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияни Индра Нуйи бошқаради. Дарвоқе, ишбилармон хоним Американинг энг таъсирли аёллари рўйхатига ҳам кирган эди. Pepsi компанияси Lipton Ice Tea, Pepsi, Mirinda, Tropicana, Mountain Dew каби ичимликлар ишлаб чиқаради.

**С. КАМОЛ**
тайёрлади

Тафсилот

# Мусулмонлар сони ошиб боряпти

Америкада истиқомат қилаётган мусулмонлар мамлакатнинг умумий аҳолиси билан бир хил яшаш шароитига эга. Мусулмон аҳолининг молиявий имконияти, топаётган даромади бошқа аҳоли гуруҳи билан тенг даражада. Пью ижтимиой тадқиқот маркази томонидан яқинда ўтказилган социологик сўров ана шундай хулосани берди. Суҳбатлар инглиз, форс, урду ва араб тилларида олиб борилган.

Нодавлат ташкилот мақомига эга бўлган Пью ижтимоий маркази аҳолининг турли масалаларда муносабатини ўрганиш, социологик тадқиқотлар ўтказиш борасида катта тажрибага эга. Марказ томонидан олиб бориладиган тадқиқот натижалари сиёсий доираларда ҳам инобатга олинади.

Тадқиқот хулосаларига кўра, мамлакатдаги мусулмонларнинг ярми коллеж ва университетларда таълим олган. Бу аҳолининг умумий таълим кўрсаткичлари билан тенгдир.

Ижтимоий сўров америкалик мусулмонлар иқтисодий фаолиятда ҳам муваффақиятга эришаётганини кўрсатди. Аслида Қўшма Штатларда истиқомат қилаётган мусулмон аҳоли гуруҳи Араб мамлакатлари ва Жанубий Осиёдан келган иммигрантлардан ташкил топган. Маълумотларга қараганда, уларнинг деярли 35 фоизи Америкада туғилган.

Аксарият мусулмонлар ўз эътиқоди билан замонавий ривожланган жамият ўртасида номутаносиблик сезмаётганини айтган. Шунингдек, респондентларнинг кўпчилик қисми экстремизмни инкор этган. Бу жиҳатдан қўшма штатлик мусулмонлар Ғарбий Европадаги ислом дини вакилларидан ҳам фаолроқ эканликларини намойиш этганлар.

Сўров иштирокчиларининг кўпчилик қисми Америкада аёллар учун яшаш шароити яхши деган хулосани берган. Респондентлар аёлларга жамоат жойларида диний либос кийиб юришда тақиқ йўқлигини ижобий баҳолашган.

Аслида Америкада аҳоли диний мансублиги бўйича ҳисобга олинмайди — бу ҳолат фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари бузилиши деб баҳоланади. Бироқ сайлов арафасида ўтказиладиган ихтиёрий телефон суҳбатларига кўра, 1990-2001 йилларда Америкадаги мусулмонлар миқдори икки бараварга ошди. Гарвард университети "Плюрализм" лойиҳаси маълумотларига мувофиқ, Қўшма Штатларда яшаётган мусулмон аҳоли сони 8,6 миллионга етган.

**Абдул СОБИР**
тайёрлади

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

## Ерга ўхшаш сайёра

*Дунё олимлари Қуёшга яқин жойда Ер сайёрасига ўхшаш юлдуз борлигини аниқлашди. Қуёшдан 20 ёруғлик йили масофада жойлашган юлдуз Чилидаги Ла Силла расадхонасидаги кузатишлардан сўнг топилди. Gliese 581 деб аталаётган объект ҳақида ҳозирча тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Лекин ҳозирданоқ олимлар энг кучли телескоплар ёрдамида уни ўрганишга ҳаракат қилишяпти.*

*Тахминларга кўра, Gliese 581 юлдузи энг камида 3 та сайёрага эга. Яъни худди Ер каби янги юлдуз атрофида ҳам йўлдошлар айланиб туради. Астрономлар мазкур ҳудудда сув мавжудлиги, ҳарорат эса 0 дан +40 даражагача бўлиши эҳтимолини билдиришяпти.*

# Гендердан мақсад — тенглик

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист* **Раъно ЗАРИПОВА** *билан суҳбатимиз гендер муносабатлари, унинг мамлакатимиз тараққиётида тутган ўрни ва роли ҳақида бўлди.*

***— Бугун янгича тафаккур, янгича яшаш жараёнида гендер муносабатларининг маънавиятимизга таъсири даражаси ҳақида нималар дея оласиз?***

— Гендер муаммоси эркак ва аёлнинг жамиятда тутган ижтимоий мавқеи қандай бўлиши кераклигини таҳлил қилибгина қолмай, балки жамият ривожи ва тараққиёти билан боғлиқ масалалар қай йўсинда амалга оширилаётганлигини кузатади. Бу ўзаро муносабатлар жамиятимиз ривожида ва мамлакат тараққиётининг муҳим босқичларида катта аҳамиятга эга.

Гендер тенглиги ҳақида кўп эҳтиросли сўзларни гапириш мумкин. Чунки бугун гендер муаммоси маънавиятни юксалтириш, ўзликни англаш ва асраш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол этмаслик сингари масалаларни ҳам ўзида ифодалаши билан характерлидир. Шунинг учун гендер муносабатларини ўрганиш бизнинг мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мамлакатимизда оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Гендер тенгликка эришиш адолатли ва барқарор тараққиётнинг асосий омилларидан биридир. Жуда кўп мамлакатларда бўлгани каби мамлакатимиз аҳолисининг 51,2 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши жамиятнинг ҳуқуқий давлат сари барқарор ривожланишининг муҳим омилларидан биридир.

Бугунги кунда оила, оналик, болалик ижтимоий муҳофазаси ҳамда аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг 80 га яқин қонун ва қонун ости ҳужжатлари мавжуд.

Сиёсий партиялардан парламентга номзод кўрсатилаётганда аёлларга 30 фоизлик квота белгиланди. Сайлов қонунчилигимизни бу тариқа такомиллаштиришимиз миллий хусусиятларимиздан келиб чиқди. Натижада аёлларнинг миллий қонунчиликдаги фаол иштирокини таъминлади. Ушбу квота белгиланганлиги туфайли парламент аъзолари бўлган аёллар сони аввалги парламент сайловига кўра икки бараварга кўпайди. Янги жорий этилган квота тизимига кўра сиёсий партиялар ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларига номзодлар умумий сонидан камида 30 фоиз аёлларнинг номзоди кўрсатилиши лозим. Ҳозирги пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 21 аёл депутат (18%) ва 15 нафар аёл (15%) Сенатда фаолият юритяпти. Ижро ҳокимияти органларида аёлларнинг вакиллари 3,4%ни, суд органларида 22%ни ташкил қилади. Сайланиш ҳуқуқида имтиёзлар белгиланганлиги туфайли МДҲ мамлакатлари орасида бизнинг парламент бу борада анча илгарилаб кетди. Россия парламентида аёллар икки сайлов даврини қиёсласак, 8 ва 10 фоизни, Қозоғистонда 11 ва 12 фоизни ташкил этади. Қирғизистон парламентида эса фаолият юритаётган бирор аёл йўқ. Бу борада Швейцария парламентини намунали деса бўлади. Парламентда аёллар иштироки 48 фоизни ташкил қилади. Олдинги парламент сайловларида улар 43 фоиз эди. Ушбу кўрсаткич Польша парламентида 18 ва 23, Покистон парламентида 17 ва 18% дир.

Амалга оширилган ишлардан кўриб турибсиз, ушбу йўналишдаги вазифаларни бажариш бошқа мамлакатларга қараганда анчагина яхши йўлга қўйилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2006 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида буни тан олди.

***— Гендер ёндашувни ҳаётга татбиқ этмоқ учун энг аввало ишни нимадан бошламоқ лозим?***

— Жамият мавжуд экан, унинг тараққиёти ва ривожи учун гендер муносабатларини тўғри ўрганиш лозим. Республикамизда гендерни билиш ва унга ижобий ёндашув иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар барқарорлашувига изн беради. Шунинг учун гендер сиёсатини қўллаб-қувватламоқ муҳим.

Назаримда, ҳар қандай сиёсатни, энг аввало, ўзимиздан, оиламиздан бошламоғимиз керак. "Қуш уясида кўрганини қилади" деган халқимизда яхши бир ибора бор. Фарзандлар тарбиясида биз кўп ҳолларда ота-она масъулиятини четлаб ўтамиз. Агар бирор ижтимоий кўнгилсизлик, у ёки бу фарзандларимиз билан боғлиқ муаммолар юзага келса, "Маҳалла нега жим турган?", "Ўқув юрти қаёққа қараяпти?", "Маҳалла посбонлари нега жим?" деган хитоблар қулоққа чалинади. Лекин негадир ҳеч ким "Нега ота-онаси бунга йўл қўйган", "Нега отаси тўғри тарбия бера олмаган?", "Нега онаси бепарволик қилган?" каби саволларни ўртага ташламайди. Ваҳоланки, фарзанд тарбияси, ҳаёти учун энг биринчи навбатда уни дунёга келтирган ота-она юз фоиз жавобгар-ку! Бугун фарзандларимиз тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйсак, эртага жабрини ўзимиз тортишимиз аниқ. Оиладаги муҳитни эса аёллар яратади.

Миллат қалбига, ёшлар тафаккурига гендер деган тушунчани жойлаш учун маънавият ва маърифат марказлари, тегишли идора ва ташкилотлардан ҳам олдин оилада маънавий муҳитни барқарорлаштириш лозим, оилада гендер ёндашувни фаол татбиқ этмоқ зарур, деган катта ижтимоий нуқтаи назарни такомиллаштириш лозим. Ўйлаймизки, шундагина гендер масаласидаги саъй-ҳаракатлар кўпроқ самара беради.

***— Сизнингча, бугунги ёшлар гендер тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаб етаётирларми?***

— Менимча, ҳамма ёшлар гендер масалаларига алоҳида эътибор беради, деб айта олмаймиз. Негаки, ҳали орамиздаги зиёли кишиларимиз ҳам гендер тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмаслар. Гендерни ривожлантириш замирида фарзандларимизнинг камолоти, истиқболи ўз ифодасини топади. Гендерга ижобий ёндашув бизни ўз-ўзидан комиллик сари етаклаб боради. Бугун ёшларга, фарзандларимизга мана шундай, юракларга етиб борадиган, гендер адолат масаласи эканлигини оддий тилда тушунтириш энг муҳим вазифамиздир. Олиб бораётган ишимиздан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу-да!

***— Гендер масалаларига эътибор берилмаган вазиятларда адолат мезонларига путур етади, тенгсизлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг поймол бўлишига ўз-ўзидан йўл очилади. Шунинг учун ҳар биримиз тинчлик деб аталмиш неъматнинг нондек азиз эканлигини, адолат деб номланмиш буюк ҳақиқатнинг нақадар улуғвор эканлигини гендер манфаатдорлик орқали ифода этишимиз ҳаёт тарзимизга ҳам мос десак хато бўлмайди.***

Суҳбатдош:
**Дилбар БЕКЖОНОВА**

Сана

*5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни*

# Ичимлик суви қачон тугайди?

Ҳозирги кунда жаҳон халқларини ўйга толдирадиган ва ечим излашга мажбур қилаётган атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар талайгина. Худди шундай муаммолардан бири ичимлик суви тақчиллиги.

Аслини олганда буни муаммо даражасига кўтаришга арзигулик сабаб йўқдек туюлади. Нимагаки, ҳозирда мавжуд истеъмолга яроқли чучук сувнинг умумий ер ости заҳираси 60 млд. аҳолига етади. Бироқ бу ўринда муаммо унинг камлигида эмас, нотекис маромда тақсимланишидадир. Бугун аҳолининг 90% истиқомат қилувчи ҳудудларга 20% тоза ичимлик суви заҳираси тўғри келади. Қолган 80% чучук сув сайёрамиз аҳолининг 10 %ига хизмат қиляпти. Иккинчи муҳим омил ҳозирги кундаги урбанизация жараёнидир. 1970 йилларда аҳолининг 30% қисми шаҳарларда яшаган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич дунё аҳолисининг 50%идан ошиғини ташкил қилади. Мутахассисларнинг фикрича, 2050 йилларга бориб, ривожланган мамлакатларнинг 90%ига яқин аҳолиси шаҳарда яшайди. Бу тахминни бугунги кундаги реал ҳолат ҳам тасдиқлаяпти. Ҳозирда Буюк Британия, Исроил, Нидерландия, Испания каби давлатларда 90% аҳоли шаҳарларда истиқомат қилади. Бу кўрсаткич АҚШ ва Канадада 82 %, Швеция ва Германияда 80%, Японияда эса 78%га тўғри келади.

Савол туғилиши табиий: урбанизация (шаҳарланиш)нинг ичимлик суви танқислигига қандай даҳли бор? Гап шундаки, қишлоқда яшовчи аҳоли кунига ўртача 55 литр сув сарфласа, шаҳарда бу кўрсаткич 150 литрни ташкил қилади. Баъзи бир йирик шаҳарлар, масалан, Москвада (600 л), Санкт-Петербургда (700 л), Нью-Йоркда (800л) мазкур кўрсаткич янада баланд.

Учинчи асосий сабаб демография масаласидир. Маълумотларга қараганда, одамзот пайдо бўлганидан то 1000 йилга қадар дунёда 3 млн. одам яшаган. 1600 йилга келиб, ер юзида яшаётган аҳоли сони 500 млн. ва ниҳоят 1830 йилга келиб эса 1 млрдга етди. Орадан 100 йил ўтиб, яъни 1930 йилда бу кўрсаткич 2 млрдни ташкил қилди. Асримиз бошида эса ер юзи аҳолиси 6 млрддан ошди.

Бугун ер юзида бир қисми тоза сув, яна бир қисми оз миқдорда бўлса-да ичишга яроқли сув ичаётган бўлса, қолганлари ичишга умуман яроқсиз, ифлос сув ичишга мажбур. Бу ҳолат аҳоли кўпайиши билан мураккаблашиши турган гап.

Вақти келиб, курраи заминнинг катта қисми урбанизация, яъни шаҳарланиш жараёнига қадам қўяди. Бу яхши албатта. Бироқ ривожланган жамиятда қишлоқ аҳолисидан 12 баробарга кўп сув сарф қилинса, кўз тикканимиз Антарктидадаги муз тоғлар ҳам дош бермайди.

Бугун борини қадрлаб, борига шукур қиладиган замон келди. Сизу биз каби ер юзидаги барча тириклик олами ичимлик суви қайғусида. Ана шу қайғуни аритиш учун меъёрга риоя этиш керак, холос.

**Сухроб ШЕРОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: «Демократик жамият қурилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари».

Номзодлар

# Эл унутса ўларман

**Халқларни бир-бирига танитишда адабиётнинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмас. Яхши асар қайси миллат томонидан яратилганидан қатъи назар, кейинчалик у умумбашарийлик касб этади ва инсоният руҳий оламини янада юксакроқ кўтариш учун хизмат қилади. Бу борада бадиий юксак асарларни она тилига таржима қилиб, ўз халқининг ҳам маънавий мулкига айлантиришда таржимонларнинг хизмати асосий омиллардан бири. Шу жиҳатдан ўзбек тилига таржима қилиб нашр этилаётган ҳар бир китоб қувончли воқеадир. Ўрта Осиёда ягона бўлган "Жаҳон адабиёти" журнали бу борада кўламли ишларни амалга ошириш билан баробар "Жаҳон адабиёти" кутубхонаси рукнида китоблар нашр қилишни йўлга қўйгани ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Айниқса, аввалгидек оммавий нашрлар камайган ҳозирги шароитда бунингдек хайрли ишлар халқларни бир-бирига яқинлаштиришда, бугунги адабий жараён билан таништиришда жуда муҳим.**

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
ЎзМУ доценти, адабиётшунос

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан "Сайра, дўмбирам" (2005) қозоқ шеърияти антологияси шоир, драматург **Мирпўлат МИРЗО** таржимасида нашр қилинди. У жаҳон адабиётининг фаол таржимонларидан бири сифатида ўзбек китобхонларига яхши таниш. Антологияга Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафиддинов сўзбоши ёзган. Тўпламга Абайдан, Абдулла Аймоққача бўлган элликта шоир ва шоираларнинг асарларидан таржималар киритилган. Ҳар бир муаллифнинг қисқача таржимаи ҳоли ва асосий эълон қилинган китобларининг номи асарлари аввалида берилиши ҳам китобхонни ўша шоир ижоди билан батафсилроқ танишишига хизмат қилади.

Юқори техник савияда чоп қилинган тўпламнинг ботиний маъно, моҳияти қандай? Китобхон тўпламни ўқиб боргани сари қозоқ шеъриятининг тадрижи билан танишади. Бир-бирига ўхшамаган шоирларнинг бадиий маҳорати, шеърий салоҳияти адабиёт мухлисининг кўз ўнгида гавдаланади. Фалсафий мушоҳадаларга бой Абай сатрларидан дунёга ўзгача нигоҳ билан қаровчи Ўлжас Сулаймон шеъриятидаги ўзига хослик, миллий руҳ ифодаси, гўзал бадиий топилмаларда маҳаллий колоритнинг яққол тасвирланганлиги шеърхон кўнглига завқ беради. Мана, Абай тасвиридаги қуздаги қозоқ даласи:

**Майсаю гул-кўкатлар йўқ бурунгидай,**
**Ёш-яланг ҳам сурон солмас,**
**ҳар ишга шай.**
**Кексайган чол-кампирдайин қовжиратмиш**
**Баргларин тўкиб бўлган янтоқ, куврай.**

Шокарим Худойбердиев шеърида яхши сўз завол билмаслиги чиройли ифодаланган.

Тўпламдаги кўпгина шеърларда адабиёт миллат танламаслиги, динидан, ирқидан қатъи назар улуғ шоирлар умумбашар фарзанди эканлиги самимий сатрларда куйланади. Ўзбек ва қозоқ халқларининг илдизи бирлиги, яқин тарихидаги ўхшашликлар бу халқларнинг адабиётида, айрим шоирлари ижодида ҳам муштарак жиҳатлар борлигини отошнафас шоир Мағжон Жумабой ҳаёти ва ижодида кўришимиз мумкин. Бу шоирнинг ҳаёт йўли ардоқли шоиримиз Чўлпонни эслатади. Чўлпон шеъриятидаги исёнкор руҳ, ватанпарварлик, миллат қайғусига М. Жумабой шеърлари ҳамоҳанг. "Туркистон" шеъри бу жиҳатдан жуда характерли:

**Туронга ер юзида ер етганми?**
**Башарда турк элига эл етганми?**
**Бемисол матонатда, заковатда**
**Туроннинг эрларига эр етганми?**

Шоир Турон табиатию, Соҳибқирон Темур, Улуғбеклар ҳақида фахр-ла сўзлаб, ақли билан дунёни забт этган ўзбек ўғлонларини улуғлайди:

**Аслдир хосиятли турк қони,**
**Туғди шу қон Беруний ва Синони**
**Келдими бу заминга улардай зот**
**Забт этган ақли билан кенг дунёни?**

Чўлпон каби қатағон қурбони бўлиб, 1937 йилда сталинчи ёвузлар дастидан ҳалок бўлган Мағжон Жумабой шеърлари бадиий жиҳатдан юқори савияда бўлиб, шоирнинг ўзига хос шеърий овози яққол сезилади. 50-60 йилларгача бўлган қозоқ шеъриятида халқона оҳангнинг кучлилиги бўртиб кўриниб туради.

Қозоқ фольклоридаги айтишув ва бошқа шеърий жанрларнинг ёзма адабиётга таъсири кучли бўлганлиги шубҳасиз. Аммо шоирнинг ўз кўнглига мурожаати, руҳий ҳолат тасвири, юрак нидоси ноёб ифодаланган Абдулла Тожибоевнинг "Шоирлик" ва бошқа бир нечта номланмаган шеърларида, Ўлжас Сулаймоновнинг "Кувиб ет", "Болалик, боғлар, саратон...", "Хайрлашув" асарлари ўқилганда оний туйғуни юқтирибгина қолмай, фикр-мушоҳада қилишга ундайди. Ўлжас Сулаймон сингари ижодкорлар шеърларининг тўпламга киритилиши китобнинг савияси юқори бўлишини таъминлаган.

Мажмуада ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигини тараннум этувчи, умуман, Ўзбекистон мавзусига бағишланган шеърлар анчагина. Тойир Жараковнинг "Дутор билан дўмбира", Ғали Ўрмоновнинг "Дўст мадҳияси", Дихан Абиловнинг Саодат Қобуловага бағишланган шеъри, Ҳамид Эргалиевнинг "Зарафшон бўйида", "Тағин келдим Тошкентга", Жубан Мўлдағалиевнинг "Тошкент билан кўришганда", Сирбой Мавленовнинг "Ғафур Ғулом", "Қозоқларнинг вакили" (Н. Фозиловга), Ғафу Қайирбековнинг "Самарқанд", "Улуғбек", Муқағали Мақотоевнинг "Дастурхон устида", Туманбой Мўлдағалиевнинг "Ўзбегим — ўз оғам", Қодир Мирзалиевнинг "Бухоро бозори", "Ҳусайн Бойқаронинг вазирларга дегани", "Танти юрак", Сакин Иманасовнинг "Нега Самарқандга бормадинг сен, айт?", Есанғали Равшаннинг "Тошкент оқшоми" каби шеърлари фикримиз тасдиғидир. Бу шеърларда Ўзбекистон тарихи, унинг гўзал шаҳарлари таърифи, ўтган алломалар сиймоси катта ҳурмат билан тилга олинади.

Шеърлар қуруқ мадҳиядан иборат эмас, теран маъноли, шоирнинг айтмоқчи бўлган фалсафий фикрлари бадиий жиҳатдан юқори савияда ифодаланган. Қ. Мирзалиевнинг "Ҳусайн Бойқаронинг вазирларга дегани" шеъри бу жиҳатдан характерли:

**Салтанатни мудом риё емиргай,**
**Улуғликнинг нури керак Амирга.**

**Бу умрда**
**Навоийга қийиндир,**
**Қийин кўпроқ Навоийсиз умрга!**

Ушбу мавзудаги шеърлар шуни кўрсатадики, қозоқ шеъриятида Ўзбекистон билан боғлиқ кўплаб асарлар яратилган. Қозоқ халқининг ўзбек халқига бўлган самимий меҳрини улуғловчи бунингдек асарларни махсус тадқиқот объекти қилиб ўрганиш керак. Бу, биринчидан адабий ҳамкорлигимизни мустаҳкамласа, иккинчидан, дунё халқлари адабиётида Ўзбекистон мавзуси қандай ёритилаётганининг ўзбек китобхони билиш имкониятини кенгайтиради. Адабиётларимиздаги муштарак жиҳатлар, ҳамоҳанглик руҳий яқинлик белгиси сифатида қалбларимизни янада иситади.

Тўпламдаги таржималарнинг муваффақиятли чиқишида, албатта, таржимон иқтидорию тилни яхши билиши асосий омил бўлган. Профессор Озод Шарафиддинов ёзганидек: "Мажмуага кирган шоирлар ижодининг муҳим жиҳати шундаки, улар икки халқ дўстлигини энг юксак оҳангларда куйлайди. Таржимон бу борада қунт билан меҳнат қилиб, ҳар бир шоир ижодидаги энг сара шеърларни танлаб олишга муваффақ бўлган. Айни чоғда у ҳар бир шоир ижодига ҳурмат билан ёндашиб, уларнинг услубига хос хусусиятларни, нозик нуқталарни зийраклик билан англаган, улардаги оҳангларни, қочиримларни сақлаган ҳолда ўзбек ўқувчисига етказишга интилган".

Ўзини элнинг фарзанди, "Дўст унутса ўлмайман, эл унутса ўламан" деб билган эллик нафар қозоқ шоирларининг шеърларини жамлаган тўплам олий ўқув юртларида туркий халқлар адабиётларини ўрганувчилар учун хрестоматия вазифасини ўташи мумкинлигини уқтирган ҳолда, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилида кўплаб нашр қилинишини истаб қоламиз. Ушбу мажмуа ва таржимоннинг номи Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар рўйхатида бўлиши адабиёт мухлисларини қувонтиради.

Мерос

# Энг ноёб ҳалқа

**ёхуд аҳоли қўлида ҳанузгача сақланиб келинаётган халқ амалий санъати намуналарининг бугунги аҳволи ва келажаги хусусида**

**Пардабой ТОЖИБОЕВ**

Бизнинг бой маданий, тарихий санъат намуналаримиз кимларни ром қилмаган?! Шу фикрни хаёлимга келтирсам, ўйлаб қоламан: агар халқимиз яратган бутун маънавий бойликни сақлаб қололганимизда, томошабинлар музейларимизда оёқ қўйишга жой топилмасди. Аммо...

... Тоғ қишлоқларининг бирида ажойиб савдогар ўтган экан. У жаҳонни кезиб фақат халқимизнинг тарихига оид санъат намуналарини изларкан. Топса, молку мол, ҳатто жонини ҳам аямас экан... Водариғ, унинг оёғи етган жойлардан тўплаган осори атиқаларнинг тақдири завол топибди. Савдогар оламдан ўтгач, у тўплаган осори атиқаларни фирибгарлар ялтироқ нарсаларга алмаштириб олибди. Бутун жаҳоннинг энг нуфузли музейларида сайёҳларнинг кўзини қамаштираётган, бизнинг қалбимизда эса туганмас армон бўлиб қолган экспонатлар асосан мана шу йўл билан олиб чиқиб кетилмаганми? Халқимизнинг кимлигини заррада қуёш акс этгандай намоён этиб турадиган санъат асарларимизнинг аҳамиятини вақтида тушунтириб беролмаганимизга афсусланаман. Агар шундай қилганимизда эди, бутун бир бойликни сақлаб қолган бўлардик.

Суҳбатлардан бирида замондош йигитнинг тарихга оид эски рўйжани юз долларга сотмаганини эшитиб қолдим.

— Буни нима қиласан, — дебди фирибгар харидор, — барибир бугун эрта ташлаб юборасан. Яхшиси, мана шу пулни олиб, бир нималик бўлиб қол!

— Бу эски нарса эмас, — дебди уй эгаси. — Бу рўйжада халқимизнинг тарихи бор. Биз тарихимизни сотиш учун яшаётганимиз йўқ. Уни бойитишимиз керак.

Бу суҳбатни эшитиб, кўнглим тоғдай кўтарилди. Демак, халқимиз бугун ўз маданиятининг қадрига етяпти. Замонларнинг талотўпида жуда кўп бойликларимиз борса келмасга кетди. Энди қўлимизда қолганига ҳушёр бўлайлик! Улкан маданий меросни келажак авлодларга етказиб борайлик!

Шуни қайта-қайта айтамизки, осори атиқаларнинг каттагина қисми ҳозир ҳам тоғ қишлоқларида яшовчи аҳоли қўлида турибди. Халқимизнинг ижодига мансуб бўлган ёдгорликларни эҳтиёт қилиб сақлашимиз керак. У сизу бизнинг аждодларимиз қўли билан яратилган. Улар бизнинг тарихимиз, фахр-ифтихоримиз.

Наврўз байрами муносабати билан Ғаллаорол туманидаги Хонимқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинида бўлдим. Йиғин раиси Исомиддин Исмоилов байрамга 3 та қишлоқдаги аҳолининг қўлида мавжуд бўлган тарихий санъат намуналарини олиб чиқиб кўргазма ташкил этишни илтимос қилибди. Жиззах вилояти марказидан узоқ Амир Темурнинг суюкли маликаси Бибихоним шарафига қўйилган мана шу қишлоқ аҳолисининг қўлидаги осори атиқаларни кўриб ҳайратга тушамиз. Нималар йўқ бу ерда: мис, сопол кўзалар, тарихий обдасталар,

юз йиллик тарихга эга бўлган дастшўйлар, чархлар, келилар, лаганлар, ўрмаклар, баркашлар, кубилар... Санаб, саноғига етолмайсиз. Афсуски, бир пайтлар бу қишлоқдан ҳам фирибгарлар арзон-гаровга жуда кўп нарсаларни сотиб олиб кетишган экан! Осори атиқаларнинг эгаларига "Ҳозир ҳам сотасизларми?" деб савол беришди иштирокчилардан бири. Байрамда нодир санъат буюмларини кўргазма қилган Муҳаббат Қорабекованинг юзи бирданига ўзгариб кетди:

— Бу буюмлар менинг шахсий буюмим бўлгани билан, манфаати умумий! Бу халқимизнинг ижодига тегишли. Бу менга ота боболаримдан мерос бўлиб қолган. Мен ҳам уни авлодларимга мерос қилиб қолдираман.

Халқимизнинг тарихий байрами Наврўзнинг бир қиррасини тўлдириб турган, осори атиқаларга қараб ўйлайсиз! Ҳайқиргингиз келади: йўқ, бизнинг халқимиз инсоният цивилизациясининг бешигини тебратганлардан! Қаранг, ҳунармандларимиз қандай санъат асарларини ясашган, аёлларимиз яратган бойликларга бир қаранг! Уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Ғаллаорол тумани ички ишлар бўлими ходими Хонимқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори Бахтиёр Намозовнинг сўзлари бизга таскин беради:

— Халқимизнинг бой меросини асрашга биз ҳам масъулмиз. Маҳаллага ким келяпти, ким кетяпти — посбонлар ҳамкорлигида кузатиб турибмиз. Бу ердан санъат асарлари олиб кетилишига йўл қўймаймиз.

Хаёлларга бериласан киши, туманда ўлкашунослик музейининг филиалини ташкил этишса, бу осори атиқаларни фақатгина байрамларда эмас, ҳар куни кишилар кўришса? Бу туман халқи, унинг меҳмонлари учун жуда катта совға бўларди. Халқимизнинг санъати ҳаётга шунчалик сингиб кетганки, уни келин тушган уйга меҳмон бўлган киши жуда яхши ҳис қилади. Бахмал туманидаги Абай қишлоғида яшовчи Қиржигит Маматқуловнинг хонадонида бўлганимда уй бекаси Саида опа келин тушган уйни кўрсатди. Ана бу ерда бадиий каштачилик, гиламчилик, кигиз босиш санъатини ўрганса бўлади. Қопланган 30-40 та кўрпа, пахта солинган юзга яқин ёстиқ, бўғжама, рўйжа, деворий матодан қилинган буюмлар келиннинг хонасини чўғдай ясантириб қўйибди. Бу ердаги ҳар бир нақш, безаклар халқимизнинг санъати бугун ҳам гуллаб яшнаётганини кўрсатади. Бу санъат намуналари ўтмишни бугун билан уйғунлаштиради, бирлаштиради. Улар ўтмишни бугун билан бирлаштирувчи энг ноёб халқалардир. Ҳаммамиз ана шундай ноёб халқаларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз лозим. Акс ҳолда яқин орада улардан айрилиб қоламиз.

Нашр

# «Ўзбекистон матбуоти» саҳифаларида

*Мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти бўлмиш матбуот, телерадио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, журналистларни маънавий-моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилаётир.*

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси муассислигида нашр этилаётган "Ўзбекистон матбуоти" журнали саҳифаларида ана шу долзарб мавзулар кенг ва изчил ёритиб борилмоқда. Яқинда навбатдаги янги сони босмадан чиқди.*

*Журнал саҳифаларида Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуни чоп этилган.*

## Янгиланаётган саҳифалар

"Материал номери" рукни "Правда Востока" газетасининг ташрифномасида алоҳида ўрин тутади. Долзарб, қизиқарли ва кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган мақолалар шу рукн остида чоп этилмоқда. Бундан материаллар учун саҳифалардан алоҳида ўрин ажратилган: улар биринчи саҳифанинг чап бурчагида ёритилади ва мақоланинг давоми иккинчи саҳифага ўтказилади. Муштарийлардан олинаётган хатларга кўра бундай руҳдаги мақолаларни янада кўпайтириш керак.

**Ирина СЕРИХ**

## Халқимиз манфаатлари ифодачиси

Ҳозирги кунда газета муҳаррири ҳам иқтисодчи, ҳам тадбиркор, асосийси эса, ижодий изланувчан ва ташаббускор, воқеликка ҳозиржавоб қалам соҳиби бўлиши шарт. Бугуннинг талаби аслида шу. Ўқувчи олдидаги масъулият эса энг муҳим тамойилдир. Яна бир жиҳат — таҳририят жамоа сифатида шаклланган бўлиши муқаррар. Бироқ буларнинг бари чоп этилаётган босма давр нашрларнинг барчасида мужассамми, деган ҳақли савол туғилади.

**Холтўра ШАФОАТОВ**

## Соғлом рақобат кучи

ОАВ босма турларининг бекиёс ўрни ва аҳамиятини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, бугун телевидение жамият учун энг биринчи ахборот манбаи ҳисобланади. Аммо сўнгги пайтда интернет ва уяли алоқа воситалари ТВ билан рақобатлаша бошлади. Масалага кенгроқ қаралса, шу нарса аён бўладики, тележурналистларнинг бамайлихотир юриши, рақобатчиларга "менсимай" қараши уни ўз қобиғига ўралиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

**Олим ТОШБОЕВ**

## Китобнинг "вазни"

Ижодкорлар дилига бироз таскин берадиган қайдларни ёзиб борганимни айтиб ўтмоқчиман. ...40 йил муқаддам, 1967 йилнинг куз оқшомларида қурилган суҳбатда устоз Абдулла Қаҳҳор: "Ёзилган китобнинг ҳажмига қараб эмас, айтилмоқчи бўлган иддаонинг вазнига қараб баҳолаш керак. "Вазн"ни белгилашда тарози палласига кесак эмас, тош қўйган маъқулроқ", деб айтган эдилар. Бундай заррин қатраларни ўша суҳбатда ҳам, кейинчалик ҳам кўплаб айтилгани эсимда. Ҳикматомуз ибораларни устоз-адиб айтиб қўя қолмас эди. Уларга ўзи амал қилар, бошқаларни ҳам шундай қилишга ундар эди.

**Дадахон НУРИЙ**

## Руҳинг соғ — тананг соғ

Лев Толстой ўз асарларида одамнинг руҳий ҳолатини ифодаловчи нигоҳларнинг 85 хилини тасвирлаб берган.

**Абдукарим УСМОНХЎЖАЕВ**

Зебо АБДУҚОДИРОВА тайёрлади



*Абдурасул ҲАКИМОВ чизган*

Қатра

# Ҳаёт ҳикматлари

**Атрофингизга боқинг. Ҳаёт ҳикматга тўла.**
**Фақат уни тушунмоқ, англаб етмоқ ва хулоса чиқармоқ керак...**

## Душманнинг яхшилиги

Йўлдош билан Шомурод бир корхонада ишлашади, бир маҳаллада туришади. Ўттиз йилдан ошибдики, бир корхонада улар. Бири раҳбар, бири оддий ишчи...

Аслида ўзида борми ё омад кулиб боқдими, Йўлдош оддий ишчиликдан корхона раҳбари даражасига кўтарилди. Шомурод бўлса ҳамон оддий ишчи. Не бахтки, унга ҳеч бўлмаса бўлим бошлиғи вазифасини ҳам раво кўришмади...

Йўлдошга бўлган эътибор, ҳурмат ва ишонч, раҳбар сифатидаги ютуқлари аламзада Шомуродни қип-қизил душманга айлантирди. У Йўлдошнинг устидан ёза бошлади. Кўп ёзди. Тасдиқ топмаса-да ёзаверди. Иғво хатлари Йўлдошнинг ақлини чархлади, ҳушёрлигини ошириб, ҳар доим ва ҳамиша эҳтиёт бўлишга ўргатди, чиниқтирди, тоблади. У ишлайверди. Барини меҳнат билан енгаверди.

Бугун Йўлдошнинг обрўси янада баланд. Корхонаси ҳамон пешқадамлар сафида.

## Она боласин дейди...

Автобус бекатда бир йўловчи аёл кўзида ёш билан ўтирарди. Юрагим ачишди унга. Кўнгил сўрадим.

— Ўғлимни йўқотдим, ука, — деди у қуйилиб келаётган кўз ёшларни артар экан. — Йигирма кундан ошди, уйдан чиқиб кетганига. Дараги йўқ, йўлига кўз тикиб кўзларим толди.

— Касал-пасал эмасми ахир?

— Соппа-соғ. "Бизнес"чилик қиларди. Пул устида дадаси койиб урган, шунга аразлаб кетиб қолибди. Сўраб-суриштириб бормаган жойимиз қолмади. Мелисага, ҳатто фолбинларча бордим. Натижа йўқ. Ичимда ўт ёнади. Дадасининг пушаймонини айтмайсизми?

— Қўйинг, опа, йиғлайверманг. Соғлигингизни йўқотасиз. Худо хоҳласа, ўғлингиз албатта топилади, — далда берган бўлдим опахонга.

— Менга балоям урмайди. Ўғлим омон бўлса, бағримга қайтса бас. Дийдорини кўриб ўлсам ҳам розиман, — дея оҳ уради опа.

Ўйлаб қоламан: оналар меҳри фарзанддан қайтармикан? Аллоҳ инсоф берсин уларга!

**Аҳмаджон РАҲИМОВ**

## ЭЪЛОН

Мирзаходжаев Тоирхўжа Абдукаримович номига Мирзо Улуғбек технология коллежи томонидан 2006 йилда берилган К-N 551992 рақамли (т-р 4201) диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Гунча

## Фарзандлик

***Ота-онам кўзларининг нуриман,***
***Сўзларининг асалиман, болиман.***
***Юзидаги кулгусиман нозиман,***
***Ёноғида кулиб турган холиман.***

***Ота-онам қувончиман, ғамимас,***
***Кўзидаги севинчиман, ёшимас.***
***Дуоларин олиб юрган қизиман,***
***Йўлларида поёндозман, тошимас.***

## Бувижон

***Кўзлари йўлимга зор бўлган бувим,***
***Кетдингиз ҳувиллаб қолди бу дунё.***
***Кўзларимда ҳамон шашқатор ёшим,***
***Оҳ дунё бешафқат-бешафқат рўё.***

***Кўзимга дунёни тор қилиб кетган,***
***Ҳаётдан умидим зор қилиб кетган,***
***Сизни энди қайдан, қайлардан излай,***
***Кўкданми, аршданми ва ёки ердан...***

***Кетдингиз қайларга бизларни ташлаб,***
***Онам йўлингизга муштоқдир ҳар он.***
***Муштоқмиз ҳаммамиз сизни хотирлаб,***
***Биз учун тириксиз ҳамон бувижон.***

**Меҳрибон ҚУРБОНОВА,**
Тошкент шаҳар 301-мактаб ўқувчиси

O'ZINGNI ANGLAI

HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.

Тел-факс: 135-39-01. Тел: 142-49-91, 142-52-72

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-554 Т: 3404 1 2 3 4 5